



Кун нафаси

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
6 октябрь
пайшанба
№ 122 (4718)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

www.ishonch.uz

[@ishonch1991@yandex.uz](mailto:ishonch1991@yandex.uz)

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchguz>



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Венгрия томонининг таклифига биноан 3-4 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 5 октябрь куни Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон** билан телефон орқали мулоқот қилди.

«Давлат тиббиёт муассасаларини кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон элчиси **Жавлон Ваҳобов** АҚШнинг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича савдо вакили собиқ ёрдамчиси, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) қўшилиши бўйича маслаҳатчи этиб тайинланган **Марк Линскотт** ва АҚШ Халқаро тараққийет агентлиги (USAID) Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси директори этиб тайинланган **Жэйсон Гилпин** билан музокаралар ўтказди.

Озарбайжоннинг «Azal Airlines» авиакомпанияси Боку ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида туғридан-туғри қатновни йўлга қўйди. Ушбу йўналишдаги **биринчи парвозни амалга оширган ҳаво кемаси** 5 октябрь оқшомида **Самарқанд халқаро аэропортига келиб қўнди.**

Ўзбекистон делегациясининг Японияга ташрифи доирасида бош вазир ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири **Азиз Абдуҳакимов** «All Nippon Airlines» (ANA) авиакомпанияси вице-президенти **Жуничиро Миягава** билан учрашди.

«Узархив» агентлигида **Ўзбекистон ва Польша ўртасида архив иши ва иш юритиш соҳасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш** мақсадида Польшанинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси бошчилигидаги Польша делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи «**Афросиёб**» **тезюрар поезде** Жиззах вилояти маркази – Жиззах шаҳар темир йўл вокзалида тўхтаб ўтарди. Эндиликда тезюрар поезд Зомин тумани **Даштобод шаҳарчаси темир йўл бекатида ҳам тўхтаб ўтадиган бўлди.**

«Global Innovation Index 2022» **рейтингида** мамлакатимиз мавқеи 4 поғонага кўтарилди.

5-6 октябрь кунлари **Самарқандда** Ўзбекистондаги тарихий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш масалаларига бағишланган **реставраторлар семинари** бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда «**Бир макон, бир йўл: имкониятлар ва муаммолар**» мавзуда халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди


Фарғона вилояти

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БОШҚАРМАСИ, ЎЗБЕКISTON КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲАМДА БИР ҚАТОР ҲАМКОР ТАШКИЛОТ ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ИШЧИ ГУРУҲ ВИЛОЯТДАГИ ЙИРИК КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНАЁТГАНИНИ МУНТАЗАМ ЎРГАНИБ КЕЛМОҚДА.

Ўрганишлар давомида «Asakabank» АЖ Фарғона вилояти филиалида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ва бошқа ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари кўпол равишда бузилаётгани аён бўлди.

Мазкур муассасада 74 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг 42 нафари – хотин-қизлар.

Энди гапни сал узоқроқдан – батафсилроқ тушунтиришдан бошласак. Қонунчиликда, яъни Меҳнат кодексининг 76-моддасида иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чекланган. Яъни муддатли меҳнат шартномаси бажариладиган иш хусусияти, бажариш шартлари ёки



«Asakabank»нинг Фарғона вилояти филиалида тузилган меҳнат шартномалари қонунчиликка қанчалик мос?

ҳодимнинг манфаатларини ҳисобга олиб, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

«Asakabank» АЖ Фарғона вилояти филиали ходимлари томонидан бажариладиган иш хусусияти ва шартларига кўра, муддатли меҳнат шартномаси тузиш мумкин эмас. Шундай бўлса-да, Меҳнат кодексининг 5- ва 76-модда-

лари талаблари кўпол равишда бузилиб, барча ходимлар билан муддатли (бир йиллик) меҳнат шартномаси тузилган.

Шу ўринда «Asakabank» АЖ Фарғона вилояти филиали ходимлари бир йилдан сўнг қаерда ишлайди?» деган ҳақли савол туғилади. Ва савол ходимларни ўйлантириб келаётгани улар билан суҳбат чоғида равшанлашди.

Юқоридагиларга асосан «Asakabank» АЖ Фарғона вилояти филиали иш берувчиси номига аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартавраф этиш юзасидан ҳамда ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ишчи-ҳодимлар билан тузилган му-

датли меҳнат шартномаларини номуайян муддатга ўзгартириш тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан тақдимнома киритилди.

Ўйлаймики, юқоридаги қонунбузилиш ҳолатлари тез фурсатда ижобий ҳал этилади. Ишчи гуруҳнинг вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотлар, бошқармаларда хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўрганишлари эса давом этмоқда.

Орзигул ҚОЗИХОНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Сирдарё вилояти

Ирода Чоршанбоева Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгашига ариза билан мурожаат қилди.

Касаба уюшма аралашгач...

ИРОДА ИШИДА ҚОЛДИ

Қайд этилишича, Янгиер «Мурувват» интернат уйи иш берувчиси унга нисбатан ноқонуний интизомий жазо чораларини қўллаб, меҳнат шартномасини бекор қилган.

Мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида интернат уйи хўжалик бекаси И.Чоршанбоевага нисбатан интизомий жазо чоралари қўллаш ҳақидаги буйруқлар қонун талабларига номувофиқлиги аниқланди.

Иш берувчи номига меҳнат ҳуқуқ инспекторининг кўрсатма хати юборилди, бироқ мазкур кўрсатма ижроси таъминланмади. Шундан сўнг низо Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судида кўриб чиқилди.

Ниҳоят, Ирода ўз вазифасига тикланиб, мажбурий бекор юрган вақти учун унинг фойдасига 1 миллион 743 минг 933 сўм, маънавий зарар учун 2 млн низо сўм миқдоридан пул маблағи ундирилиши тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Абдурахим АЛБЕКОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

Фарғона вилояти

Республика босқичига йўлланма



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг намунали иш берувчи аёл», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» ва «Энг яхши ёшлар етакчиси» республика танловининг Фарғона вилояти босқичи ўтказилди.

Қашқадарё вилояти

Эҳтиром

Сиз доим эъзоздасиз, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Шаҳрисабз туманида ўқитувчи ва мураббийларга эҳтиром кўрсатиш мақсадида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Туман ҳокимлиги, туман халқ таълими ва мактабгача таълим бўлимлари, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда туман ҳокими Самад Ҳасанов, ХТБ мудир Аслиддин Ғофуров, мактабгача таълим бўлими бошлиғи Бахтиёр Юсупов сўзга чиқиб, шарафли касб эгаларини самимий муборакбод этишди. Шундан сўнг таълим тизи-

мида фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ педагогларга «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони ҳамда «Ташаббускор ислохотчи» эсдалик нишонлари топширилди.

Ўз навбатида тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Саъдулло Абдуллаев ҳам илгор соҳа заҳматқашларини эсдалик совғалар билан тақдирлади.

Тадбир давомида устозлар шаънига ўқилган ашъорлар дилларни жунбушга келтирди, дилбар куй-қўшиқлар кўнгилларга хушнудлик улашди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Келгуси сонларда ўқинг...



«УНУТИЛГАН» ТЎЛОВ

ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР



Хоразм вилояти

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ҲАЛ ЭТИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВЛАШ ҲАМДА «АЁЛЛАР ДАФТАРИ» ИЖРОСИ БЎЙИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВЛАРИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Энг яхшилар аниқланди

Унда Хоразм вилояти ҳоқими Фарҳод Эрманов, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султонов сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг аҳамияти, хотин-қизларнинг қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилётган тизимли чора-тадбирларнинг самаралари ҳақида тўхталди. «Аёллар дафтари»нинг жорий этилиши минглаб хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилишда, оилалар фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди. Ўзбекистон ка-

саба уюшмалари Федерацияси эълон қилган танлов «Аёллар дафтари» билан ишлаш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш самардорлигини оширишга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Танловнинг Хоразм вилоят босқичида 75 нафардан зиёд даъвогарнинг фаолияти ва ҳужжатлари таҳлил қилинди. Улар орасида энг муносиблари саралаб олинди. Унга кўра, Ҳазорасп тумани ҳоқими Уктам Машарипов «Энг яхши сектор», Урганчдаги «Маърифат» МФЙ раиси Аминбой Ҳожиев «Энг яхши маҳалла раиси», Хива шаҳридан яқка тадбиркор Дилноза Отажонова «Энг намунали иш берувчи

аёл», Урганч шаҳридаги «Жинговуз» МФЙдан Нигора Қиличева «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», Шовот тумани «Янги бурлоқ» маҳалла ҳоқим ёрдамчиси Камолжон Бекжонов «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси», Урганч тумани «Туркманлар» МФЙ ёшлар етакчиси Радхо Худойбергенова «Энг яхши ёшлар етакчиси» номинациялари бўйича биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олдилар. Шунингдек, ушбу номинациялар бўйича иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам рағбатлантирилди.

Муҳаббат Тўрабоева «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Аъзолик афзалликлари



«МЕҲНАТИМИЗГА ЯРАША ҲАҚ ОЛЯПМИЗ, АММО...»

Ҳар қандай муаммога ўзаро мулоқот, мунозара ва келишув орқали ечим топиш мумкин. Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси мутасаддилари бундан ташқари тушунишда ва шу асосда иш юритиш пайди бўлишида. Хусусан, улар яқинда Самарқанд вилоятининг бешта туманида амалий тадбир ўтказишди.

– Тизимдаги 7925 та ташкилотда ўн беш мингга яқин ходим меҳнат қилади, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Сайитмурод Ҳасанов. – Бироқ бу ташкилотларда касабаси уюшмалари ва ходимларнинг вакилик органлари фаолияти йўлга қўйилмаган. Шу боис «Меҳнатқашлар манфаатлари қандай ҳимоя қилинапти?» деган саволга жавоб топиш мушкул. Айниқса, фермер хўжалиқларида ишловчилар ва мавсумий ишчилар талай имтиёزلардан бебаҳра қолишмоқда.

Касабаси уюшма вакиллари Пайриқ туманидаги «Дунётепа» фермер хўжалиги даласида пахта таърифтганлар билан юзма-юз мулоқотда бўлдилар. Учрашув самимий суҳбат ва ўзаро фикр алмашувлар руҳида ўтди. Бир гуруҳ филор теримчилар уюшма томонидан рағбатлантирилди. Сўнгра уларнинг мулоҳазалари эшитилди.

– Мавсумий ишчиларнинг бирон-бир мақоми йўқ, шу боис меҳнати кўзга кўринмайди, – дея сўз бошлади Гулбаҳор исми жувон. – Мана, ўзимдан қиёс. Мен, 15 йилдирки, эрта кўклардан то қишга қадар ёланиб ишлайман. Пахтани парваришда, чунончи, ягона ва чопиқ қилишда фермерларга кўмаклашман. Кузда белимга этак боғлаб, ҳосилни йиғиб-тегиб олишда қатнашман. Тўғри, меҳнатимга яраша ҳақ оламан, аммо инсонга моддий рағбатнинг ўзи қиёс қилмайди. Ахир, мен ҳам, менга ўхшаш бошқа кишилар ҳам сиҳаттоҳларда дам олгиси, ходимлар учун белгиланган имтиёزلардан фойдалангиси келади. Бунга эришиш учун эса худуддаги фермерлар мавсумий ишчиларни ҳам ўз жамоаси таркибига киритиб, уларга доимий ишчи мақоми беришлари керак.

Бу таклиф кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Туман ҳокимлиги ва тармоқ ходимлари касабаси уюшмасининг туман кенгаши масъуллари худуддаги 447 та фермер хўжалигини тарғибот-ташвиқот орқали касабаси уюшмалари сафига жалб этиш юзасидан келишиб олишди.

Эндиликда ижтимоий шериклик асосида Самарқанд туманидаги 575 та, Тойлоқ туманидаги 446 та, Нарпай туманидаги 216 та қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ташкилотда касабаси уюшмаси сафига бирлашиш бўйича илк қадамлар ташланди. Шунингдек, Каттақўрғон туманидаги 467 та агротизм корхонасида ҳам бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотини шакллантиришга киришилмоқда. Бундай эзгу саяё-ҳаракатларнинг илк самараси ўлароқ, «Каттақўрғон ғалла кластер» ҳамда «Каттақўрғон уруғлик кластер» масъулияти чекланган жамиятларининг умумий йиғилиши қарори билан улар тармоқ касабаси уюшмалари таркибига аъзоликка олинди.

Бинобарин, бугунги кунда меҳнатга муносиб шароит яратиш ва уни рағбатлантириш ишлари агросаноат тармоғида ҳам талаб даражасида олиб борилмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Тиббиёт ходимлари эл саломатлигини асровчи фидойилардир. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муносиб ҳимояда.

ШИФОКОРЛАР манфаатини кўзлаб

Хусусан, яқинда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида меҳнат тўғрисидаги қонун ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назорати олиб берилди. Аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши бўйича иш берувчига кўрсатма хати киритилди. Меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг ҳароҳатлаш хавфлилиги аттестациядан ўтказилди. Кўлаб тиббиёт ходимларининг қўшимча меҳнат таътиллари олиши, қўшқартирилган иш вақтидан фойдаланиши, сут ва унга тенглаштирилган даволаш профилактика, озик-

овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланиши, имтиёзли меҳнат стажи билан пенсияга чиқарилиши каби ҳуқуқлари тикланди. 224 нафар тиббиёт ходимига ташкилот ҳисобидан 44 800 000 сўмлик махсус кийим-бош олиб берилди.

Миришкор тумани тиббиёт бирлашмасида, Қарши «Мурувват» ноғиронлиги бўлган болалар учун интернат уйида, Қашқадарё вилояти болалар ревматология санаторийларида ўтказилган жамоатчилик назорати тадбирларида ҳам қатор камчиликлар аниқланди. Шунга кўра, Миришкор тумани тиббиёт бирлашмасида 60 та ноқулай ва зарарли иш ўрни аттестациядан ўтказилди, 825 нафар тиббиёт

ходимининг ҳуқуқи тикланди. Қарши «Мурувват» болалар интернат уйида ҳам 30 та ноқулай ва зарарли иш ўрни аттестациядан ўтказилди. 397 нафар ходимга ташкилот ҳисобидан 99 210 300 сўмлик махсус кийим-бош олиб берилди. Қашқадарё вилояти болалар ревматология санаторийсининг 70 нафар ходими ташкилот ҳисобидан 16 500 400 сўмлик махсус кийим-бош билан таъминланди. Шунингдек, жамоатчилик назорати тадбирлари чоғида санаторий ходимлари Н.Абдуллаев ва С.Мухитдиновага иш ҳақи тариф разрядлари бўйича кам тўланиб келинаётгани аниқланиб, уларга Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарорига асосан тариф разрядлари оширилган ҳолда иш ҳақлари қайта ҳисобланиб, ходимлар фойдасига 10 939 284 сўм ундириб берилди.

Комилжон ГУЛМУРОДОВ, Жавоҳир БОЛТАЕВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича меҳнат инспекторлари

Кўмак



Навоий вилояти

Хабарлар

Кучли бешликдан ўрин олди

Мамлакатимизда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган рейтингда Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети энг яхши бешликдан жой олди. Ушбу рейтингни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоаси бошқариб турибди.

Ўғрилар кўлга тушди

Навоийдаги автомобилларга метан газ қуйиш шохобчаларидан бирида 1 миллиард 300 миллион сўмлик табиий газ талон-тарож қилингани аниқланди. Ўғрилган шунча миқдордаги табиий газ билан қиш фаслида нақд 2000 та хонадонни бир ой давомида таъминлаш мумкинлиги айтилмоқда.

Нормурод МУСОМОВ «ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

Жарқўрғонда «Янги Ўзбекистон» массиви бунёд этилмоқда

2012-2015 йилларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида уй-жойлар қуриш учун энг қулай манзил сифатида танланган Жарқўрғон туманидаги «Қораянтоқ» маҳалласи ҳудудда орасида 75 та 6 сотих ер майдонига эга 3 ва 4 хонали намунали уйлар бунёд этилди. Шунингдек, 2 сотих ер майдонига эга 48 та 2 ва 3 хонали замонавий уйлар қад ростлади. Шу муносабат билан табиий газ, ичимлик сув тармоғи тортилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш кўпайди.



«Қораянтоқ» маҳалласида яна бунёдкорлик ишлари режалаштирилган. Замонавий кўп қаватли уйлар қурилишига хусусий пудрат ташкилотлари кенг жалб этилмоқда. Ҳозирда хусусий қурилиш корхоналари ҳар бири 20 та хонадонга мўлжалланган бешта бир йўлак, 5 қаватли уй қуришти. Жорий йилнинг май ойида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун арзонлаштирилган бешта 5 қаватли янги уй фойдаланишга топширилди.

Аҳоли сони кўпаяётгани инobatга олиниб, 300 ўринли қўшимча мактаб биноси, 120 ўринли мактабгача таълим муассасаси қад ростляпти. Яқинда бир неча тадбиркорга кимосиди савдоси орқали ажратилган 3-5 сотих ерга савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан Сурхондарё вилоятининг бошқа манзиллари қатори «Қораянтоқ» маҳалласи ҳудудидан ҳам 24,5 гектар ер ажратилиб, 2022-2024 йиллар мобайнида 40 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш режалаштирилган. Жорий йилда эса 452 та хонадонга мўлжалланган 20 та кўп қаватли уй-жой қуриш жадал суриятларда давом этмоқда.

– Қураётган уларимиз кўркам, шинам ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун сифатга алоҳида эътибор қаратамиз. 150 километр олисдаги Шеробод гишт заводидан пишққ гишт келтир-

Юксалиш

Рустам ДАВЛАТОВ «ISHONCH»



Фарғона вилояти

Ташаббус

150 НАФАРДАН ЗИЁД ДЎППИДЎЗ кооперация туфайли ишли бўлди

Қўштепалик Отикахон Ҳақимова тиниб-тинчимас, ташаббускор аёллардан. Ўтган йили у «Хўнарманд Рўшонабегим» дўппичилик йўналишида кооперацияга асос солди.



Энига маҳалласидаги ишсиз хотин-қизларни чорлаб, хўнар ўргатишни бошлади. Айни пайтда мазкур кооперациянинг ташкил этилиши натижасида 150 нафардан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Отикахон Ҳақимованинг айти-

шича, 152 нафар ишчидан 42 нафари «Аёллар дафтари»га киритилган. Ҳозирда дўппичилик туман бўйича оммалашиб, кооперацияда «Соҳибкор», «Қийқи», «Катта бешкапа», «Нурафшон» каби маҳаллалардаги ишсиз хотин-қизлар ҳам ишлаяпти.

– Маҳалламизда аёллар, асосан, «Оқпар», «Атиргун» ва «Наврўз» нусха дўппи тикишади. Ишимиз яхши, ким қанча кўп дўппи тикса, даромади ҳам шунга яраша бўлади.

Яна, энг муҳими, улар тиккан дўппиларига харидор изламайди. Йилнинг тўрт фаслида ҳам ишимиз тўхтамайди, – дейди Отикахон Ҳақимова. Ҳозирда жойларда кооперацияни ривожлантириш, бу орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ «ISHONCH»

Бирининг нархи осмонда, бирини топшиш амри маҳол

Таҳлил



Помидор олмақчи бўлиб Тошкентнинг катта-ю кичик бозорига кирган киши борки, аввало, олтимиш йил бурун яратилган «Юсупов» навлисини харид қилади. Чунки у мазалилиги билан бошқаларидан кескин фарқланади. Бироқ жорий йил куз арафасида ушбу маҳсулотнинг килоси 2019 йилдагига нисбатан 4-12 минг сўмга қимматлади, аниқроғи, 10-20 минг сўмдан юқори нархда сотилди. Сабаби, ёз жазирасида помидорлар паллақларини иссиқ ўргани бўлди, дейиш мумкин.

Қолаверса, сўнги вақтларда помидорнинг унчалик мазали бўлмаси-да, хорижда яратилган, ўзимизникига нисбатан серҳосил, сифатли, узоқ сақланадиган, экспортбоп навларини экиш деҳқонлар учун фойдали бўлиб қолди. Худди шу сабабли улар кўчат, кимёвий ўғитлар, ҳатто иссиқхонани ёпиш учун зарур полиэтиленларни ҳам четдан сотиб олишмоқда.

Ёки таъми тилни ёрайдиган, лалми ерларда ҳам етиштириладиган «Мирамир» тарвузлари анқонинг руғи бўлиб кетганини қандай тушуниш мумкин? Катта ёшлилар яхши эшлашади, бир замоналар уни кўпчилик суйиб истеъмол қиларди. Фақат бу навнинг битта камчилиги бўлган – пўсти юпқалиги туфайли тош босмаган.

Энди ўзингиз ўйланг, картошқадан тортиб, маккажўхориғача барча экинлар уруғини хориждан сотиб олаётган деҳқон четга қарам бўлиб қолмаяптими? Уруғ, минерал ва кимёвий ўғитлар, техникалар харид қилиш, ишчи кучи учун сарфлаган харажатидан ошгани деҳқоннинг даромади ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у илдожи борича серҳосил, касалликка чидамли, техникалар ёрдамида ишлов бериладиган навларни экади.

Келинг, энди 1 сотихли иссиқхонада помидор етиштирадиган зироатчи харажатларини хомчўт қилиб кўрайлик. Чет эл уруғидан етиштирилган 300 туп помидор кўчати март ойи бошида 450 минг сўмга, полиэтилен плёнка 1 миллион сўмга, минерал ва кимёвий ўғитлар 200 минг сўмга сотиб олинса, жами 1 миллион 650 минг сўм сарфланади. Табиийки, 1 сотих ердан олиннадиган даромад тирикчиликка етмайди. Бунинг учун ўртача 5 сотих ердан фойдаланиш ва 8 миллион 250 минг сўм

харажат қилишга тўғри келади. Демак, деҳқон бир мавсумда четга 800 доллар атрофида пул чиқаради.

Хўш, бу маблағларни ўзимизда олиб қилишнинг иложи йўқми?

Иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари Рустам Ҳасановнинг айтишича, Самарқандда бўлиб ўтган ШХТ саммитида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси асосий масалалардан бири бўлган. Бу бежиз эмас.

– Юртимизда етарли миқдорда ишлаб чиқарилмайдиган дон, кунгабоқар ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича Россия билан шартномалар имзоланган. Биз ушбу товарларни импорт қилишга мажбурмиз, – дейди Р. Ҳасанов.

Тўғриси, жаннатомонанд ўлкамизда кундалик эҳтиёж учун асқатадиган кунгабоқар ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етарли миқдорда етиштирилмаётгани ачинарли ҳол эмасми?.. Холбуки, баъзи кишлок хўжалиги экинларидан бир мавсумда икки-уч мартадан ҳосил кўтарса бўлади. Шунга қарамай, фойда олинмаслиги серҳосил навлар камлигидан далолат беради. Деҳқоннинг сараси сара уруғ экади, деган таомил бўйича иш кўрайдиган бўлса, бу масалада селекция асосий омил саналади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2020 йилга қадар олимларимиз томонидан республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шaroитларига мос, ҳосилдор, сифати юқори сабзавот, полиз ва картошка экинларининг 180 дан ортиқ нави ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Ун йилда сабзавотларнинг 39 та, полиз маҳсулот-

ларининг 10 та, картошканин 6 та янги нави яратилган. Улар нафақат ички, балки ташқи бозор талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради.

Хўш, унда бу навлар нега оммалашма-япти? Қолаверса, хорижнинг ген муҳандислиги ёрдамида етиштирилган маҳсулотлар аҳоли соғлиғига зарар етказмаслигига кафолат борми?

Биз муаммонинг долзарблигини назарда тутиб, мутахассис фикри билан қизиқдик.

– Четдан уруғ келтирувчилар маълум маънода бизда селекция ривожланмаслигидан манфаатдор, – дейди Генетик ресурслар илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий-тадқиқот станцияси директори Саид Тешабоев. – Устига-устак, айни пайтларда соҳага эътиборсизлик туфайли кадрлар кўнимсизлиги кузатиляпти. Тил билган ва изланувчи ёш олимлар чет элда ишлашни афзал кўришяпти, тил билмаганлари эса иложсизликдан ўзимизда илмий изланишлар олиб боришяпти.

Андижон вилоятидаги биргина «Бахт имкон ривож» фермер хўжалиги 650 гектар ерга чет элдан келтирилган силосбоп маккажўхори донини экиш учун 65 минг доллар пул сарфлайди. Энди бу каби фермерлар республикамиз бўйича қанчалигини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

АҚШ ҳукумати бозор талабларидан келиб чиқиб, айнан Иккинчи жаҳон уруши тобора авж олаётган 1942-1943 йилларда уруғчиликни ривожлантиришга катта маблағ ажратган. Эътиборлиси, бу қудратли давлат ҳозиргача селекцияни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келади. Негаки, у энг даромадли соҳалар сирасига қиради. Умуман олганда, чет элларда селекция ишлари билан хусусий фирмалар шуғулланади ва уларга давлат томонидан мақсадли грантлар ажратилади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

«Ishonch» газетасининг шу йил 16 августдаги сонидан чоп этилган «Кайфиятсиз ва ҳафсаласиз ўқитувчилар қардан пайдо бўлмоқда?» сарлавҳали мақолани ўқиб, ҳам кайфиятим кўтарилди, ҳам хафа бўлдим.

Хурсанд бўлганимнинг боиси, мақолада мавжуд муаммолар тўғри айтилиб, ечимлар таклиф қилинган. Хафа бўлганим эса амалда чўқур синовдан ўтмаган тажрибаларнинг таълимга татбиқ этилиши натижасида тизимнинг тобора оғир аҳволга келиб қолишига сабаб бўлаётганидир.

Бу ҳақда кўп гапирилатганига қарамасдан, мутасаддилар унга эътибор қаратмаётганидан одам ташвишланади. Бу аҳволда тизим қачон ўнглана экан, қизиқ?!



Акс садо

Тизим қачон ўнгланади?

Мен ҳам мақола баҳонасида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этишга қарор қилдим. Гап шундаки, ҳозир педагогларга тоифаси бўйича маош тўланмоқда. Масалан, беш йил стажга эга ўқитувчи олий тоифа олса, 20 йил ишлаган, иккинчи ёки биринчи тоифали устоздан кўпроқ маош олади. Бунга қарши эмасмиз, бироқ амалда кўрпачи тоифани олишнинг ҳам турли йўллари бор. Жумладан, таниш-билиш топганлар, ўқувчи мавзуни маҳорат билан тушунириш қобилиятига эга бўлмаси ҳам тоифа олишнинг уддасидан чиқапти. Бироқ назарий жиҳатдан тест саволларига тайёрланмаган, аммо тажрибали, маҳоратли айрим педагоглар ҳам «тоифасиз» ишлаб юришибди.

Мен Корея таълим тажрибаси ҳақида ОАВда ўқиганимда у ерда устозларнинг ишлаган йилга қараб, маошига кўшимча қўшилиши ҳақида маълумотга эга бўлдим. Бу бир жиҳатдан тўғри. Негаки, педагог йиллар давомида болалар психологиясини тушуниб боради, билим бериш маҳорати ошади. Олий таълим муассасасини энди тамомлаб келган баъзи педагогларда эса назарий билим кучли бўлса

ҳам, болалар билан, ота-оналар билан ишлаш малакаси етарли бўлмайди. Шундай экан, кўшимча рағбатлантиришда ўқитувчининг ишлаган йили ҳисобга олиниши, шунингдек, ўқувчиларнинг билимини текшириш орқали маҳоратига баҳо берилиши тарафдориман.

Бундан ташқари, институтни битирган аксарият ёшлар тўрт йил ўқиб, шартнома пулини тўлаб, катта иштиёқ билан мактабга ишга келса-ю, аранг ярим ставка дарс соати олса... Бунда у бир ярим миллион сўм атрофида маош олади ёки олмайди. Табиийки, бу ҳолатда у вақти, умри ўтаётганига ачинади, ишдан кўнгли совилади. Бунга фаолиятимизда ҳам гувоҳ бўляпмиз.

Хорижда педагогнинг бир ставка дарс соати 16-18, Европа давлатларида эса 12-14 соатни ташкил этади. Бизда эса 20 соат. Агар ставка соатлари пасайтирилса, ёш педагогларнинг ҳам иш билан таъминланиши яхшиланиб, даромади ошарди. Қолаверса, муаллимларнинг юклагани енгиллашгани ҳисобига дарсларнинг сифати, самарадорлиги ҳам кўтариларди.


Ҳозир аксарият синфларда ўқув-

чилар сони 40-45 нафарни ташкил этмоқда. Бунча ўқувчига дарс ўтиш чоғида устозлар жисмоний ва руҳий чарчоқни ҳис қилишади. Болаларнинг ўзлаштириши ҳам ҳавас қилгулик бўлмайди. Шундай бўлганда, мен кўп йиллик педагог сифатида ставкани пасайтиришни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Яна бир таклифим шуки, педагоглар малакасини ошириш марказлари фаолиятини ҳам жонлантириш, у ерда нафақат ўзимизнинг, балки жаҳон педагогларининг илғор тажрибаларини ўрганишни йўлга қўйиш зарур. Хориждан энг илғор, яхши натижа кўрсатган мутахассислар маърузаларга таклиф қилинса ва улар билан тажриба алмашиш имконияти яратилса, нур устига нур бўларди.

Таълим ва тарбия – миллат келажагидир. Шу мавзудаги долзарб мақола-ларни мунтазам чоп этаётгани, шу мавзуга минбар бераётгани учун «Ishonch» газетаси тахририятга яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман.

Холмуҳаммад ЭГАМШУКУРОВ,
Музработ туманидаги
39-умумтаълим мактаби ўқитувчиси



Бу ношуккурлик эмасми?

Ажабо!

Ҳозирги таҳликали замонда кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгариши, табиий офатлар, турли касалликлар билан боғлиқ оғир синов ва машаққатларни бошидан кечиряпти. Уларнинг орасида ичимлик сув танқислиги ҳам инсониятни жиддий хавотирга солаяпти. Европа ва Осиёдаги қатор давлатлар, жумладан, Хитой ва Япония аҳолиси чўчүк сув тақчиллигидан қаттиқ азият чекапти.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг юртимизда ҳам ушбу глобал муаммони бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, самараси ҳам кўтилганидек бўлмоқда. Масалан, Сирдарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик сув билан қамраб олиш даражаси бугунги кунда 83,5 фоизга етди ва вилоят бу борада республикамиз миқёсида учинчи

ўринни эгаллади.

Бундай натижага эришишда Президентимиз ташаббуси ва ҳукуматимиз кўмаги муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, қисқа муаддатда вилоятда 172 та сув иншооти барпо этилиб, мавжудлари мукамал таъмирланди. Уларнинг умумий сони 645 тага етказилди. Жиззах вилоятининг Зомин туманида жойлашган «Туртом» сув иншоотидан ичимлик сув тортиб келиш эвазига йиллар оша обихаёт етишмаслигидан қийналиб келган Сардоба, Ховос, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳолисининг эзғу орузи ушалди.

– Очиги, илгари ариқ ва зовур сувларини тиндириб ичардик, – дейди Сардоба туманининг «Бирлик» маҳалласида яшовчи Соҳида Уролова. – Эндиликда маҳалламиздаги барча хонадонлар тоза ичимлик сув таъминотига уланди. Бу аҳолига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Ичимлик сув танқислиги туфайли Англия, Хитой, Япония каби илғор давлатларда унинг нархи кескин даражада ошиб кетди. Ана шундай бир вазиятда бизнинг юртдошларимиздан ай-

римлари бу бебаҳо неъматни беҳуда исроф қилишмоқда. Баъзилари эса не-не машаққатлар ва катта харажатлар эвазига етказиб берилган сув ҳақини тўлашдан бўйин товлашмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, айни кезлар вилоятда ичимлик сувдан қарийб 410 миллиард сўмлик қарздорлик мавжуд. Шундан 390 миллиард сўми жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, қарзларни ундириш учун юридик шахсларга нисбатан ҳам қонуний чоралар кўриляпти. Жорий йил бошидан ҳозирга қадар Гулистон шаҳри ва Сирдарё туманида 500 миллион сўмдан, Оқолтин туманида 75 миллион, Бобўт туманида 200 миллион сўмга яқин жарималарни ундириш юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Сўнги пайтларда кўпчилик табиий газ, электр энергияси ва мобиль алоқа воситаси учун тўловни олдидан амалга оширишга одатланди. Шундай экан, нега энди ичимлик сув ҳақини тўлашни пайсалга солишади? Бу ношуккурлик ва ноинсофлик эмасми?!

Бехўзд МАВЛОНОВ

Эълон

Янгийўл тумани, «Шўраласой» ҚФЙ, Мирзабобоев МФЙ ҳудудида жойлашган «JASURBEK-AZIZBEK KELAJAGI» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

